

Молни тарқатишга тўплаган одам ҳақлироқ



07:10 / 24.08.2019 2224

Ҳорун ар-Рашид ҳажга бориб, Маккада Фузайл ибн Иёзнинг эшигини қоқди. Эшик очилмади. Жаъфар Бармакий: «Итоат қилишингиз вожиб бўлган одамга эшикни очинглар!» деди. Фузайл ибн Иёз буни эшитиб, Ҳорун ар-Рашид келганини билди. У эшикни очди, иккиси узоқ гаплашиб ўтиришди. Кейин у Фузайл ибн Иёзга ўн минг дирҳам беришни буюрди. Лекин Фузайл уни қабул қилмади. Ҳорун ар-Рашид: «Олинг, камбағалларга тарқатиб юборарсиз», деди. Фузайл ибн Иёз: «Уни тарқатишга тўплаган одам ҳақлироқдир», деди. Бироздан сўнг Фузайл ибн Иёз пайт пойлаб, уйдан чиқиб кетди. Ҳорун ар-Рашид унинг чиқиб кетганидан беҳабар, уйда қолаверди. Ҳорун ар-Рашид Маккадан чиқиб кетмагунча Фузайл ибн Иёз унга кўринмади.

«Солиҳлар гулшани» китобидан

